

ГЛОБАЛ ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Садуллаев Дилшоджон Лутфулло угли

Бухоро шаҳар ФВБ II ва НБ кичик инспектори

Аннотация: мазкур мақолада глобал фавқулотда вазиятлар шароитида аҳолининг экологик саводхонлиги муаммолари ва уларнинг ечим йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: фавқулотда вазият, жараён, атроф-муҳит, экология, саводхонлик, таълим, муаммо, ечим.

ПРОБЛЕМЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ВО ВРЕМЯ ГЛОБАЛЬНЫХ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ

Садуллаев Дилшоджон Лутфуллревич

Аннотация: в данной статье показаны проблемы экологической грамотности населения и пути их решения в условиях глобальных чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: чрезвычайная ситуация, процесс, окружающая среда, экология, грамотность, образование, проблема, решение.

PROBLEMS OF ENVIRONMENTAL EDUCATION DURING GLOBAL EMERGENCIES

Sadullaev Dilshojon Lutfulrevich

Abstract: this article shows the problems of environmental literacy of the population and ways to solve them in the context of global emergencies.

Key words: emergency, process, environment, ecology, literacy, education, problem, solution

Йигирма биринчи асрда фан ва техника тараққиёти янги босқичга кадам қўйди. Айниқса илм-фан соҳасидаги инновациялар асосидаги кашфиётлар орқали фан ва техника қудратли ишлаб чиқарувчи кучга айланди.

Фан ва техниканинг қудратли тараққиёти иқтисодиёт негизида янги тамаддуннинг шаклланиши тенденциясини вужудга келтирдик, уни глобаллашув жараёни деб аташ одат бўлди.

Аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши, илм- фан, тиббиёт соҳасидаги тараққиёт табиий равишда аҳоли сонининг ўсишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами ошишига сабаб бўлди. Табиий ресурслардан нооқилона, режасиз фойдаланиш экологик вазиятнинг ёмонлашувига таъсир кўрсатгани ҳам унинг глобал аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Ҳозирги кунда глобал фавқулотда вазиятлар шароитида қуйидаги экологик муаммолар турлари фарқланади:

1. Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

- ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида пайдо бўлувчи ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

- тупроқ ва ер остининг саноат туфайли келиб чиққан токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефть маҳсулотлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

- ҳаво муҳитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

- олтингугурт диоксид, диоксид ва азотли оксид, углеродли оксид, диоксин, курум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

- катта кўламда кислотали зоналар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

- радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

- ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари: нефть маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган таркибида оғир металллар, ҳар хил захарли химикатлар бор бўлган чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;
- бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар даражасининг ошиши;
- сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувнинг кескин етишмаслиги.

Бизни ўраб турган ва соғлигимизга хавф туғдираётган атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар барчамизни озми-кўпми экологларга айлантириб қўйди. Инсоннинг негатив фаолияти атроф-муҳитга ҳалокатли таъсир қилса, планетамизнинг ҳозирги ҳолати иносн соғлигига ўзига хос таъсир кўрсатади деган фикрлар яшаб турган давримизнинг асосий экологик муаммосига айланди.

Экологик саводхонлик муаммоси бўйича манбаларнинг таҳлили ҳозирги кунда бутунжаҳон илмий-педагогик жамоаси томонидан бир- қанча умумий принцип ва қоидалар ишлаб чиқилганлигини кўрсатмоқда.

1. Бизни ўраб турган атроф-муҳит бутун бир яхлит тизимни ташкил этган ҳолда ўз таркибига «инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий аспектларни олади». (Экологик таълим масалалари бўйича ЮНЕСКО комиссияси доклади)
2. Бизни ўраб турган атроф-муҳит инқироз ҳолатида.
3. Атроф-муҳитнинг инқирози тизимли характерга эга бўлиб, глобал даражага кўтарилмоқда.
4. Глобал инқирознинг асосий сабаби инсониятнинг табиий ресурсларни ҳолсизлантириш ёки дегредацияси ҳисобидан

иктисодий ўсиш орқали ўзининг моддий эҳтиёжларини кониктиришга интилиши билан изоҳланади.

5. Инқироздан чиқишнинг йўллари нафақат экологик хавфсиз технологияларни ривожлантириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек инсониятнинг эҳтиёжлари ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлмаган янги ахлоқий нормалар ва ғояларни шакллантиришга боғлиқ бўлади.
6. Шундай ахлоқий нормалар ва ғояларни ташкил қилиш жараёнидаги асосий ролни узлуксиз экологик таълим ва аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш масаласи эгаллайди.

Экологик таълим-тарбияни мустақкам асосда йўлга қўйиш глобал экологик инқирознинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини жакон ҳамжамияти тушуниб етди. Бу соҳадаги стратегик йуналиш сифатида аҳолининг маълум қисми ва гуруҳлари, шунингдек алоҳида шахсларнинг эътиқоди ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш назарда тутилади.

Бизнинг фикримизча экология, ўқитиладиган фан сифатида барча экологик муаммолар бўйича аниқ ва тўлиқ маълумотларни ўзида мужжасамлаштириб, мавжуд муаммоларни ечиш, уларнинг олдини олиш йуллари, чора-тадбирларини белгиловчи маёқ вазифасини бажариши лозим. Бизнингча инсонларни экологик онгли қарорларни қабул қилишга ўргатиш, экологик таълим ва саводхонликнинг асосий мазмунини ташкил қилиб, ҳар қайси инсоннинг экологик муаммоларни юзага келишида ва атроф-муҳитнинг зарарланишига уз ҳиссаси борлигини англаш, тушуниб етишга ўргатади.

Экологик билимларни ўқитишда позитив холда ёндошиш зарур. Шу сабабли экологик таълимнинг самарадорлигини таъминлаш учун уни планетамиз аҳолисининг барча қатламларига йўналтириш лозим. Бизнинг аҳолимиз экология ҳақида нимани билади ?, «Экологик хавф нима ?, каби

мавзуларга доир бир қатор, педагоглар иштирокидаги мулоқот-дискусияларнинг якуни табиатни муҳофаза қилиш зарур ва инсон атроф-муҳитга негатив таъсир кўрсатмоқда деган хулосаларга олиб келади

Аҳолининг кўпчилик қисми атроф-муҳитнинг ўзи нима ? Унинг асосий компонентлари нималар, бу компонентлар бир-бири билан қандай боғланган, уларнинг ҳар бирига ва алоҳида бутун яхлит тизимига инсоннинг таъсири қандай, шунингдек, инқироз ҳолатининг ҳақиқий сабаблари нимада ва экологик вазиятни қандай қилиб ижобий томонга ўзгартириш ҳақидаги тушунчалар, билимларга эга эмаслигини таъкидлашимиз зарур.

Бизнинг фикримизча экологик билимлар барча ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг ажралмас қисми булиши зарур. Шунингдек таълим тизими ходимлари ўз педагогик фаолиятларининг «экологик мазмуни» ни тушунган ҳолда таълим жараёнидаги барча фанларни ўқитишда экологик билимларни интеграциялаш, уйғунлаштиришга эришмоғлари муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев К. Ф., Бобомуродова Н. Ж. К проблеме взаимодействия общества и природы //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI века. – 2019. – С. 255-256.
2. Абдуллаев К. Ф., Бобомуродова Н. Ж., Кобилжонов К. К. Высокая духовность основа экологической культуры //Научное пространство: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 5-8.
3. Бобомуродова Н. Ж. Экологическая культура как общечеловеческая ценность //ББК. – 2020. – Т. 74. – С. 188.